

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА



**“ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ
УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ:
ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”.**

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

4-БОБ: ТИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ, ТИЛДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ/ЎҚУВЧИ

Дастлабки учта кириш-тушунтириш бобларидан кейин келувчи 4- ва 5-бобларда тил билиш/ундан фойдаланишнинг нимани англатиши ҳамда кимни тил билувчи/ундан фойдаланувчи деб аташ мумкинлиги баён этилган категорялар тизими келтириб ўтилган. Қабул қилинган фаолиятли ёндашувга асосан тил ўрганувчи аста-секин ундан фойдаланувчига айланади, деб ҳисобланади. Шундай қилиб, уларни таърифлаш учун категоряларнинг худди ўша тўпламидан фойдаланиш мумкин экан. Шу билан бирга, жуда муҳим битта тузатиш киритиш зарур бўлади. Бирор-бир иккинчи ёки хорижий тилни ва маданиятни ўзлаштирас экан, ўрганувчи ўзининг она тили ва маданиятида билимга эга бўлиб қолаверади. Янги билимлар ўқувчи томонидан алоҳида эмас, балки шу пайтгача тўпланган ва мавжуд бўлган тил ва маданият борасидаги тажрибасига таянган ҳолда ўзлаштириб борилади. Тил ўрганиш жараёнида ўқувчида бир-биридан мутлақо алоҳида бўлган ва фарқ қилувчи икки хил фикрлаш ва мулоқот усули шакланади, деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Тил ўрганувчининг асосий тавсифини кўп тиллилик ва маданиятлараро мулоқотга кириша олиш ташкил этиши керак. Битта тилда ўзлаштирилган лингвистик ва маданий бирликлар бошқа тиллар таъсирида ўзгаришга учрайди, ҳамда шу орқали маданиятлараро бирликларнинг ривожланишига, билим ва кўнимкалар тўпланишига хизмат қиласи. Натижада, инсон шахсияти бойийди, унинг тилларни ўрганишга бўлган қобилияти ортади, у бошқа маданиятлар билан мулоқот учун янада очикроқ бўла боради. Бундан ташқари, тил ўрганувчилар тўғридан-тўғри мулоқотга кириша олмайдиган инсонларга оғзаки ва ёзма таржималар борасида ёрдам бериб, тил бўйича воситачи вазифасини ҳам бажаришлари мумкин. Фаолиятнинг мазкур турлари 4.4.4-

бўлимда, шу тил вакилини уни ўрганувчидан фарқлашга ёрдам берадиган бирликлар 5.1.1.3, 5.1.2.2 ва 5.1.4-бўлимларда баён этилган.

Бўлимлар охиридаги саволлар. Ҳар бир бўлим якунлангач, ўқувчиларга бир қатро саволларга жавоб бериш тавсия этилади. Саволлар кўрсатма тарзида эмас, балки фикрлашга чорлаш тарзида тузилган бўлиб, бу нарса монографиянинг кўрсатмали характерга эга эмаслигини яна бир бор кўрсатиб беради. Агар ўқувчи монографиянинг бирор-бир қисмини ўзининг қизиқишилари доирасига кирмайди, деб ҳисобласа, ўша қисмни батафсил ўрганиши шарт эмас. Шунга қарамай, биз ўқувчи ҳар бир бўлим якунида берилган саволларни ўйлаб кўришни ҳамда у ёки бу ечимга келишни маъқул топади, деб ҳисоблаймиз. Агар ушбу ечим ўқувчига муҳим туюлса, у монографияда берилган ҳамда аниқ бир вазиятларда жуда муҳим ҳисобланадиган категория ва мисоллардан фойдаланган ҳолда уни баён этиши мумкин.

4-бобда келтирилган “фойдаланиш” ва “фойдаланувчи” тушунчаларининг таҳлили ўқувчи учун муҳим ҳисобланади. Ягона тизимга бирлаштирилган параметр ва категорялар тўплами сифатидаги 4-боб материаллари тил ўрганишга, тил ўргатишга ва олинган билимларни баҳолашга жалб этилган барча инсонларнинг қуийдагиларни аниқ ва бир хил қараб чиқишилари ва баён этишлари учун имкон беради: ўзлари тил ўргатишга қарор қилган ўқувчилардан нимани кутса бўлади; буни амалга ошириш учун ўзлари нималарни билишлари керак. Мазкур бобнинг мақсади бу саволларга тўлақонли бўлмаса-да, имкон қадар батафсил жавоб беришдан иборат. Курсларни тузувчилар, дарсликлар муаллифлари, ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар матнларнинг, машқларнинг, фаолият турларининг, тестларнинг ва бошқаларнинг мазмuni борасида мустақил қарор қабул қилишлари зарур бўлади. Бунда таклиф этилаётган тайёр варианtlар тўпламидан бирортасини танлаш билан чекланмаслик керак. Бундай қарор улардан манфаатдор амалиётчи мутахассислар томонидан шахсий нуқтаи назар ва ижодий имкониятларга таянган ҳолда қабул қилиниши керак. Шу билан бирга, мазкур бобда улар ўзлари эътибор қаратишлари зарур бўлган тил билишнинг асосий жиҳатлари ва бирликларининг таърифини ҳам топишлари мумкин. Шундай қилиб, 4-бобни асосий тушунча ва категориялар тўплами, десак хато бўлмайди. Биз ўқувчиларга қуийдаги масалаларга ечим топишда мазкур бобга мурожаат этишни тавсия қилган бўлардик:

- Мен ўз ўқувчиларим мулокотга киришилари керак бўладиган фаолият турлари ва вазиятларни олдиндан кўра оламанми? Агар кўра олсан, улар бу жараёнда қандай вазифани бажаришади?
- Уларнинг қандай одамлар билан мулокот қилишларига тўғри

келади?

- Уларнинг қандай муассасаларда ва қай тарздаги шахсий ва касбий алоқаларга киришишларига тұғри келади?
- Уларнинг фаолият доирасига қандай нарсалар тұғри келади?
- Уларга қандай вазифаларни бажаришларига тұғри келади?
- Улар фаолиятининг мазмуни нимадан иборат бўлади?
- Улар гапиришларига ҳам тұғри келадими, ёки фақат эшлиши/ўқиш ва тушуниш билан чекланишадими?
- Уларнинг айнан нимани эшлишилари ва ўқишиларига тұғри келади?
- Уларга қандай вазиятларда иш олиб боришиларига тұғри келади?
- Уларнинг қандай умумий билимларга ёки бошқа маданият билимларига таянишиларига тұғри келади?
- Уларда қандай кўникмаларни шакллантириш керак? Улар қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳам ўзларининг миллий-маданий мансубликларини сақлаб қолишилари ва тушунмовчиликларга учрамасликлари мумкин?
- Қандай кўникмаларни ривожлантириш учун масъулиятни ўз зиммамга олишим мумкин?
- Агар мен ўқувчиларим қандай вазиятларда тилдан фойдаланишиларини тахмин қила олмасам, улар эхтимол ҳеч қачон дуч келмаслиги мумкин бўлган вазиятлар устида ишлашга кўпроқ эътибор қаратмаган ҳолда, уларни тилдан фойдаланишга қандай қилиб яхшироқ ўргатишим мумкин?
- Ўқувчиларимнинг келгуси мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар, улар олган билимлар ўз долзарблигини йўқотмаслиги учун нимани, қандай ўргатишим керак?
- Хорижий тилни ўрганиш ўқувчи шахсининг ва маданиятининг ўсишида, унинг ошкора демократик жамиятнинг масъулиятли фуқароси бўлиб шаклланишида қандай роль ўйнаши мумкин?

Тұғри, монографияда бу саволларга жавоб бўлмаслиги ҳам мумкин. Аслида, бу саволларнинг жавоби тил ўрганиш/ўргатишининг аниқ вазиятига, бундан ташқари, ўқувчилар ва таълим жараёни бошқа иштирокчиларининг эхтиёжларига, асосларига, тавсифларига ва имкониятларига боғлиқ бўлади, шу боис монографиядаги қоидалар қатъий кўрсатма бўла олмайди ва ижодий ёндашувни талаб қиласди. Кейинги боблар эса тил ўрганиш/ўргатиши масалаларини кўриб чиқишига рационал ва шаффоф ёндашувни таъминлашга хизмат қиласди.

Ҳар бир қисм якунида, имкон қадар библиографиянинг тегишли бандига ҳаволалар берилган.

4.1 Тилдан фойдаланиш контексти

Тил воситаларини танлашнинг контекстга боғлиқ бўлиши умум эътироф этилган. Шуни эътиборга олган ҳолда тил, айтайлик, математика каби нейтрал бўла олмайди.

Мулоқотга киришиш эҳтиёжи ва хоҳиши аниқ бир вазиятда юзага келади ҳамда мулоқот шакли ва мазмуни ушбу вазиятга жавоб ҳисобланади. Шу боис 4-бобнинг биринчи қисми мулоқотнинг турли-туман контекстдаги жиҳатларига бағишланган.

4.1.1 Коммуникация соҳалари.

Тилдан фойдаланишнинг ҳар бир ҳолати ижтимоий фаолиятнинг бирор-бир соҳасига оид бўлган маълум бир вазиятдан келиб чиқиб амалга оширилади. Ўқувчилар иш олиб борадиган фаолият соҳаларини тўғри танлай билиш ўқитиши жараёнида вазиятларни, мақсадларни, вазифаларни, мавзуларни ва матнларни танлашда, тестлар тузиш ва ўқитиши жараёнини режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Мулоқот соҳаларини танлашда ўқувчининг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Масалан, болани айни пайтда нима кўпроқ қизиқтиришига, лекин келажакда бу нарса унинг катталар билан мулоқотга киришишида етарли бўлмаслиги мумкинлигига эътибор қаратиб, боланинг интилишларини ошириш мумкин. Катталарга дарс бериш жараёнида сиз курсни молиялаштираётган иш берувчининг машғулотларда асосий эътиборни касбий фаолиятдан келиб чиқиб режалаштириш ҳақидаги талаби ва тил ўрганишдан шахсий мулоқотларда фойдаланишни истаётган ўқувчининг қизиқиши ўртасидаги манфаатлар тўқнашувига дуч келишингиз мумкин.

Тилдан фойдаланиш эҳтимоли бўлган соҳалар сони чекланмаган, чунки исталган бир соҳа ва фаолият йўналиши тилдан фойдаланаётган инсонда қизиқиши уйғотиши, ёки курснинг асосини ташкил этиши мумкин. Ўқитиши мақсадларида мулоқотнинг қуйидаги асосий соҳаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **шахсий:** мулоқотнинг ушбу соҳаси шахснинг уйи, оиласи, дўстлари, шахсий характердаги барча фаолияти, масалан, дам олиш учун китоб ўқиш, кундалик юритиши, қизиқишилар, хобби ва бошқалар билан боғлиқ бўлади;

- **ижтимоий (ижтимоий-маданий):** инсон бутун жамиятнинг, ёки бирор-бир ташкилотнинг аъзоси сифатида фаолият олиб борадиган, ҳамда турли-туман мақсадларда ҳар хил мулоқот турларига қўшиладиган мулоқот;

- **касбий**: инсоннинг касби ёки мутахассислиги билан боғлиқ бўлган мулоқот соҳаси;

- **таълимий**: ташкилий равишда ўқитиш, айниқса, таълим муассасаси (хар доим ҳам эмас) билан боғлиқ бўлган мулоқот соҳаси.

Таъкидлаш керакки, бир қатор вазиятларда бир нечта мулоқот соҳаси биргаликда қўлланилиши мумкин. Ўқитувчи учун касбий ва таълимий соҳалар маълум даражада ўзаро мос келади. Ўз ичига ижтимоий ва маъмурий мулоқотни, ҳамда оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни олган ижтимоий мулоқот соҳаси мулоқотнинг бошқа соҳалари учун ҳам очик ҳисобланади. Ҳам касбий, ҳам таълимий фаолият соҳасида мулоқот ва тилдан фойдаланиш касбий фаолият ёки таълим вазифаларидан келиб чиқиб эмас, балки ижтимоий гурӯхнинг одатий фаолияти доирасида кечади; худди шу каби шахсий фаолият соҳасини ҳам бошқаларидан айро ҳолда тасавуур этиб бўлмайди (оммавий ахборот воситаларининг оиласиий ва шахсий ҳаётга таъсири, “шахсий” почта қутиларига турли мазмундаги “ижтимоий” ҳужжатларнинг жўнатилиши, кундалик эхтиёж моллари ўрамидаги реклама ва матнлар).

Бошқа томондан, шахсий мулоқот бошқаларига таъсир кўрсатиб, уларни индивидуаллаштиради ва шахсийлаштиради. Инсон жамият аъзоси эканини унутмаган ҳолда ўзини шахс сифатида ҳис эта бошлайди; техник ҳисбот, синфдаги маъруза, харидлар – буларнинг барчаси шахсга маълум бир вазиятларда тил билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олган касбий, таълимий ва ижтимоий мулоқот соҳаларида ўзини намоён этиш имконини беради.

Кўйидаги саволларни таҳлил қилиб, уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

• Ўқувчига мулоқотнинг қайси соҳаларида фаолият олиб боршига тўври келади/талаб этилади ёки фаолият олиб бора олади?

4.1.2 Вазиятлар

Мулоқтнинг ҳар бир соҳасида юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни қўйидаги атамалар билан таърифлаш мумкин:

- жой ва вақт;
- тузилиши ва фаолият юритиш қоидлари кўп жихатдан воқеа-ходисаларнинг одатий тарзда ривожланишини белгилаб берадиган ижтимоий институт ва ташкилотлар;
- фойдаланувчи/ўқувчига нисбатан мулоқот иштирокчилари ва уларнинг ижтимоий роли;
- сўзловчини/ўқувчини ўраб турган нарсалар (жонли ва жонсиз);

- рўй бераётган воқеалар;
- мулокот иштирокчилар бажараётган харакатлар;
- ушбу вазиятда қўлланилаётган матнлар.

5-жадвалда Европа давлатлари учун кўпроқ хос бўлган мулокот соҳалари бўйича юқорида қайд этилган вазият категорияларига мисоллар келтирилган. Жадвал соф тасвирий характерга эга бўлиб, мажбурий ҳисобланмайди. У мукаммалликка даъво ҳам қилмайди. Жумладан, унда вазият ривожланиб боришига қараб иштирокчилар унинг аҳамиятли томонларини англаб борадиган диалог динамикаси эътибордан четда қолдирилган; ваҳоланки, диалогдан мақсад вазиятни таърифлаш эмас, балки уни ўзгартириш ҳисобланади. Мулокот жараёнида ҳамкорларнинг ўзаро муносабати 4.1.4 ва 4.1.5 бандларда батафсилроқ ёритилган. Ўзаро мулокотнинг ички тузилиши ҳақида 5.1.1.2 бандда, ижтимоий-маданий хусусиятлари тўғрисида 5.1.1.2 бандда, ўқувчи ёки тилдан фойдаланувчининг стратегиялари тўғрисида 4.4 бандда сўз юритилган.

Куйидаги саволларни таҳлил қилиб, уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

- Ўқувчи қандай вазиятларга дуч келиши мумкин/дуч келади; ўқувчи қандай вазиятларда иш олиб бориши мумкин?
- Ўқувчининг ҳаёти боғлиқ бўладиган жойлар, институтлар/ташкислар, шахслар, нарсалар, воқеалар ва ҳаракатлар.

4.1.3 Шарт ва чекловлар.

Мулокот жараёни кечадиган ташқи шартлар тилдан фойдаланувчига/тил ўрганувчига ва унинг сухбатдошларига маълум бир чекловларни қўяди.

Жисмоний шартлар:

- а) оғзаки нутқ учун:
 - талаффузнинг аниқлиги;
 - ташқи шовқинлар (поездлар, самолётлар, “статик шовқинлар” ва бошқалар);
 - чалғитувчи овозлар (сершовқин кўча, бозор, бар, базм, дискотека ва бошқалар);
 - помеха (телефон орқали мулокотдаги, радиоэшиттиришларни ушлашдаги, овоз кучайтиргич орқали берилаётган эълонларни эшитишдаги шовқинлар);
 - об-ҳаво шароитлари (шамол, кучли совуқ ва бошқалар);
- б) ёзма нутқ учун:
 - босманинг сифатсизлиги;

- хуснихатнинг хунуклиги;
- ёруғликнинг етарли эмаслиги ва бошқалар.

Ижтимоий шартлар:

- сұхбатдошларнинг сони;
- мuloқot иштирокчиларининг бир-бирига нисбатан мавқеи (турли лавозимлари, ўзаро муносабатлар ва бошқалар);
- аудитория ва тасодифий тингловчиларнинг мавжудлиги/йўқлиги;
- мuloқot иштирокчилари ўртасидаги муносабат (масалан, самимият/адоват, ҳамкорлик).
- вақтнинг чекланганлиги:
- гапиравучи/tinglovchi (реал вақтда) ва ёзувчи/ўқувчи (нисбатан ўзгарувчан чекловлар) учун ажратилган вақтдаги фарқ;
- тайёргарлик учун вақт (нутқ, маъруза ва бошқалар учун);
- маъруза ва сұхбат учун вақтнинг чекланиши (қоидалар, харажатлар, бошқа мухим ишлар, мажбуриятлар ва бошқалар сабабли).
- бошқа чекловлар:
- молиявий, стресс ҳолатлари (масалан, имтиҳонлар) ва бошқалар.

Сўзловчининг, айниқса, тил ўрганувчининг ўз мuloқot кўникмаларидан фойдаланиш қобилияти кўп жиҳатдан мuloқot кечадиган жисмоний шартларга боғлиқ бўлади. Юқорида санаб ўтилган шовқинлар, помехалар ва хатолар нутқни тушуниши анча мушкуллаштиради. Мураккаб вазиятларда самарали ва тўғри қарор қабул қилиш ҳаёт учун мухим аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, қўниш тўғрисида кўрсатма олаётган учувчиларнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Чет тилда гапиришни ўрганаётганлар ўзларини тингловчи тушуниши учун аниқ ва равон сўзлашга, мухим сўзларни такрорлашга эътибор қаратишлари зарур. Лингофон хоналарида аксарият ҳолларда нусхадан кўчирилган ёзувлардан фойдаланилади. Улардаги шовқин ва бузилишлар шу қадар сезиларли бўладики, бу ҳолат тил ўргатишни қийинлаштиради.

Аудио тестнинг бирча иштирокчилари бир хил шароитда бўлишига эътибор қаратиш лозим. Оғзаки ва ёзма синовларда ҳам айрим ўзгаришлар билан ушбу қоида амал қиласди. Ўқитувчилар ва тест тузувчилар таълим жараёнига ижтимоий ва вақт омилларининг ҳам таъсир кўрсатишини, шунингдек, синфдаги ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини, ўқувчининг кўникмаларини, унинг у ёки бу вазиятларда ўзини мос тарзда тутиш қобилиятини инобатга олишлари керак.

5-жадвал. Тилдан фойдаланиш шароитларининг ташқи характеристикалари: баён этиш категориялари

Соҳалар	Жой	Жамоатчилик институтлари ва ташкилотлари	Мулоқот катнашчилари
Шахсий	Уй: уй, хоналар, боф ўзиники, оила аъзолариники, дўстлариники, бегонаники	Оила Жамоат ташкилотлари	Ота-она, бувилар, бувалар, (бир қорин айланган) ака-ука, опа-сингиллар, холалар ва тоғалар. Хотиннинг, эрнинг қариндошлари Эр хотинлар, Дўстлар, танишлар
Ижтимоий	Жамоат жойлари: кўча, майдон, хиёбон. Жамоат транспорти. Дўконлар, бозорлар, касалхоналар, клиникалар, госпиталлар. Стадионлар, спорт майдончалари. Кинотеатрлар, театрлар, концерт заллари, Ресторан, паб, меҳмонхона. Диний муассасалар.	Ҳокимият, сиёсий ташкилотлар. Юридик ташкилотлар. Соғлиқни сақлаш Клублар, жамоат ташкилотлари. Сиёсий партиялар. Диний муассасалар.	Расмий шахслар. Сотувчилар, Полициячилар, ҳарбийлар, қўриқчилар. Хайдовчилар, Кондукторлар, йўловчилар. Ўйинчилар, муҳлислар, ишқибозлар, актёрлар, томошибинлар. Официантлар, барменлар. Телефонистлар. Рухонийлар.
Касбий	Офислар. Фабрикалар. Устахоналар. Портлар, вокзаллар. Фирмалар. Аэропортлар. Дўконлар, бозорлар. Хизмат кўрсатиш соҳаси. Меҳмонхоналар.	Фирмалар. Қуролли кучлар. Трансмиллий корпорациялар. Саноатнинг миллийлаштирилган соҳалари. Касаба уюшмалари. Трейд-юнионлар.	Иш берувчилар, иш. Менежерлар, ҳамкаслар. Ходимлар. Мижозлар, буюртмачилар. Телефонистлар, котиблар. Фаррошлар.

Таълим ий	Мактаб: фаоллар зали, синф хоналари, ўйин майдончаси, спорт майдончаси коридорлар. Коллежлар, университетлар. Маъруза заллари. Семинар учун хоналар. Талабалар касаба уюшмаси. Ётоқхона. Лаборатория. Ошхона.	Жамиятда таълим берувчи. Мактаб. Коллеж, университет. Малака ошириш институтлари. Катталар учун ўқув муассасалари.	Ўқитувчилар ва ўқитувчи, ходимлар. Тарбиячилар. Ассистентлар. Ота-оналар. Синфдошлар Профессорлар, маърузачилар. Талабалар, лаборатория ходимлари. Ошхона ишчилари, фаррошлар, швейцарлар, котиблар.
------------------	---	--	--

Нарсалар	Воқеалар	Харакатлар	Матнлар
Мебель, кийим, майший техника, ўйинчоқлар, асбоблар, шахсий гигиена воситалари санъат асарлари, китоблар ёввойи/уй ҳайвонлари. Дараҳтлар, ўсимликлар, ўтлар, сув ҳавзалари. Оила мулки, сумкалар, Спорт ва дам олиш товарлари.	Оилавий тантаналар. Учрашувлар, баҳтсиз ҳодисалар. Табиат ҳодисалари. Кечалар, ташрифлар. Сайрлар, транспорт воситасини ҳайдаш, саёҳатлар. Спорт мусобақалари.	Кундалик юмушлар, масалан, кийиниш, ечиниш, овқат пишириш ва овқатланиш, ювиш. «Ўзинг бажар», боғдорчилик. Китоб ўкиш, радио, телевидение. Ўйин-кулгу. Хобби. Ўйинлар ва спорт билан шуғулланиш.	Телематн. Кафолатлар. Рецептлар. Кўрсатмалар, китоблар, журналлар, газеталар. Брошюралар. Почта, шахсий хатлар. Радио ва ТВдаги чиқишлиар. Тасмага ёзиб олинган матнлар. Реклама маҳсулотлари.
Пуллар, хамён, кармон. Бланкалар. Товарлар. Курол. Рюкзаклар, чемоданлар, сумкалар. Тўплар. Дастурлар, овқат, ичимликлар, газаклар. Паспортлар, лицензиялар.	Воқеалар. Баҳтсиз ҳодисалар. Касал бўлиш. Йиғилишлар даъволашув, судлар. Тортишувлар, жарималар, қамоқлар. Матчлар, мусобақалар. Нутқлар, тўйлар, дағн маросимлари.	Харидлар ва хизматлар соҳасидан фойдаланиш. Хизматлардан фойдаланиш. Соғлиқни сақлаш. Автомобилда/поездда /кемада/самолётда саёҳат қилиш. Кўнгилочар тадбирларга бориш. Диний маросимлар.	Овоз кучайтигич орқали эълонлар. Наклейкалар ва қутилар. Варақалар, графиттлар. Чипталар, жадвал. Эълон, қоидалар. Дастурлар. Контрактлар, меню, муқаддас китоблар.

			Хутбалар. Диний қасидагүйликлар
Офис жиҳозлари. Саноат ускуналари. Станок ва машиналар.	Учрашувлар, сұхбатлар. Қабуллар, конференциялар. Ярмаркалар. Маслаҳатлар. Мавсумий савдолар. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар. Ишлаб чиқаришдаги низолар.	Бизнесни юритиш. Ишлаб чиқаришни бошқариш. Ишлаб чиқариш операциялари. Офис ишлари. Юкларни ташиш. Савдо, маркетинг. Компьютерда ишлаш. Офисда ишлаш Техник таъминот.	Иш юзасидан ёзишмалар. Хисоботлар. Техника хавфсизлиги коидалари. Йўриқномалар, коидалар. Реклама проспектлари. Наклейка ва кутилар. Ходимга қўйиладиган талаблар. Эълонлар, визиткалар.
Ёзув ашёлари. Мактаб формаси. Ўйин учун кийим ва жиҳозлар, Овқат. Аудио- ва видеотехника. Доска ва бўр. Компьютерлар. Портфел ва сумкалар.	Мактабга келиш/кетиш. Мактабнинг таътилга ёпилиши. Талабалар алмашиш. Ота-оналар мажлиси. Спорт кунлари/ўйинлари. Интизомий муаммолар.	Йиғилишлар, дарслар ўйинлар, ўйинлар учун вақт. Клублар ва жамиятлар Маъruzалар, Иншо ёзиш. Лаборатория ишлари. Кутубхонада ишлаш. Семинарлар, амалиёт. Уйга вазифа. Дебатлар ва муҳокамалар.	Асл матнлар. Дарслклар: ўқиши китоблари. Маълумотнома, китоблар. Доскадаги матн. Иншо. Компьютер, экранидаги матн Видеоматн. Машқ учун материаллар. Журналдаги қайдлар. Конспектлар.

Куйидаги саволларни таҳчилил қилиб, уларга жавоб қайтарини тавсия этилади:

- *Ўқувчи муроқот қиладиган жисмоний шартлар унинг хатти-ҳаракатига қандай таъсир қўрсатади?*
- *Тил ўрганувчи бајсарииши керак бўлган хатти-ҳаракатларга сұхбатдошлилар сони ва макеи қандай таъсир қўрсатади?*
- *Тил ўрганувчи қандай вақт доирасида ҳаракат қилишишига тўзри келади?*

4.1.4 Тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчининг ментал контексти.

Ташқи контекстнинг тузилиши индивидумга боғлиқ эмас. Ушбу тузилма жуда мураккаб. У жамият тилида акс этган ва унинг вакиллари томонидан

ўзлари зарур деб ҳисоблаган даражада улғайиш, таълим олиш ва тажриба тўплаш жараёнида тўпланган олам ҳақидаги жуда бой тасаввурларни акс эттиради. Аммо мулоқот актини детерминантловчи омилларни аниқлаш учун алоҳида олинган индивидиум нафақат таъсир кўрсатиши, балки жуда улканлиги боис, ҳатто тўлиқ англаб етиши ҳам мушкул бўлган ташқи контекст ва тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчининг ментал контексти ўртасидаги фарқни аниқлаштириб олиш зарур.

Ташқи контекст фойдаланувчи томонидан қуидагилар ҳисобига интерпретация ва қабул қилинади:

- ҳиссий органлар;
- идрок қилиш механизмлари;
- хотира, ассоциациялар ва конотацияга таъсир кўрсатувчи қўп йиллик тажриба;
- обьектлар, воқеалар ва бошқаларнинг таснифи;
- мавжуд лингвистик категориялар.

Мазкур омиллар контекстни қабул қилишга таъсир кўрсатади. Аммо қабул қилинган контекст мулоқот актининг ментал контекстини қанчалик шакллантириши фойдаланувчи томонидан қуидагиларни эътиборга олган ҳолда ҳал қилинади:

- мулоқотда иштирок этиш *истакларини*;
- *фикрлар тимсолларини*: фикрлар, ғоялар, туйғулар, хислар, мулоҳазалар, таассуротлар ва бошқалар;
- мавжуд тажрибалардан келиб чиқадиган *умидларни*;
- *рефлексияларни* – мавжуд тажриба асосидаги фикрлаш жараёнининг кечиши (масалан, дедукция, индукция);
- ҳаракатга ундовчи *эҳтиёжлар, интилишилар, омиллар, манфаатларни*;
- ҳаракатларни назорат қилиб турувчи *шарт ва чекловларни*;
- *ички ҳолатни* (чарчоқ, кўтаринкилик ва бошқалар), соғлиқ ва шахсий сифатлар (4.7.1.3 бандга қаранг).

Шундай қилиб, ментал контекст бевосита кузатилаётган ташқи контекстнинг ахборий таркиби билан чекланмайди. Фикрлаш жараёнига жумладан, хотира, тўпланган билимлар, тасаввурлар ва бошқа ички когнитив (ва эмотив) жараёнлар кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолатда тил кузатилаётган ташқи контекст билан сезилмас даражада алоқага эга бўлади. Бўш аудиторияда имтиҳон топшираётган синалевчига, шунингдек ўз кабинетидаги математик ёки шоир бунга мисол бўла олади.

Ташқи шарт ва чекловлар ҳам уларга тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчи қанчалик мослашишига қараб аҳамият касб этади.

Бу, кўп жиҳатдан, инсон ўзининг илгариги билимлари, қадриятлари, қарашларидан иборат бўлган умумий компетенцияларидан келиб чиқиб, вазиятни қандай баҳолашига боғлиқ бўлади (5.1-бобга қаранг).

Куйидаги саволларни таҳтил қилиб, уларга жавоб қайтарииш тассия этилади:

- *Тил ўрганувчининг мулокот ташки контекстидаги мухими ахборотни қабул қилиши ва идентификациялаш қобилияти борасида қандай таъминларни илгари сурии мумкин?*
- *Мулокот ва ўқитиши тил ўрганувчининг қизиқишилари, интилишилари ва истакларига мос келади.*
- *Тил ўрганувчи ўз таъсирбаси борасида ўйлаши керакми, агар ҳа бўлса, қай даражасада?*
- *Тил ўрганувчининг ақлий қофбилиятлари мулокотни қай даражасада таъминлайди ёки чеклайди?*

4.1.5 Суҳбатдош(лар)нинг ментал контексти.

Мулокот актини кўриб чиқиш жараёнида мулокот бўйича шерикни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Мулокот эҳтиёжи ўқувчи ва унинг суҳбатдошининг ментал контекстларига тўла ёки қисман мос келиши билан тўлдириладиган “мулокот бўшлиғи” бўлишини назарда тутади.

Шахсий мулокот жараёнида ўқувчи ва суҳбатдош(лар)нинг ташки контексти ўзаро мос келади (табиийки, агар бошқа контекст мавжуд бўлмаса), аммо юқорида қайд этиб ўтилган сабабларга кўра, контекстни улар турлича талқин ва қабул қилишади. Мулокот актининг мақсади вазиятни имкон қадар тўлақонли тушунишга эришишдан иборат, бу эса ўз навбатида, самарали мулокотга хизмат қиласади.

Суҳбатдош(лар) сўзловчининг шартлари ва чекловларидан тўлиқ ёки қисман фарқ қилувчи шарт ва чекловлар таъсирига тушиши мумкин. Масалан, овоз кучайтиргичдан фойдаланаётган одам у носоз эканини билмаслиги мумкин. Телефон орқали мулокот жараёнида унинг иштирокчиларининг вақти bemalol бўлса, иккинчисини мижозлар кутиб турган бўлиши эҳтимол. Бу фарқлар сўзловчига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Куйидаги саволларни таҳтил қилиб, уларга жавоб қайтарииш тассия этилади:

- *Тил ўрганувчи суҳбатдошининг ички контекстига қанчалик мослашиши керак?*
- *Ўқувчини бундай контекстга қулай тарзда мослашишига қандай ўргатиши мумкин.*

Давоми кейинги сонда.

Наргис ҚОСИМОВА таржимаси.